

ТОШКЕНТ

Оқшомчи

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 4 (6. 493)



1988 йил 6 январь, чоршанба

Баҳоси 3 тийин

Пойтахтнинг бир куни

Депутат бошлиқ бригадада

«Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 6-қурилиш бошқармасининг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Сергей Зинчук бошлиқ бригадаси аъзолари юбилей йилни самарали натижалар билан яқунлашди.

Бошқармада энг илгорлардан бири ҳисобланган бу коллектив ўтган йили шаҳримизнинг Шимолий-шарқ, Юнусобод массивларида қад кўтарган бир нечта кўп қаватли уйларни бунёд этишда актив қатнашди.

31 кишидан ташкил топган бригада кўп йиллардан бери пудрат усулида ишлаб, унинг афзалликлари амалда исботлаб келмоқда. Коллективнинг ҳар бир аъзоси турдош касбларни ўзлаштириб олганлиги туфайли иш соатларидан унумли фойдаланмоқда. Бригада

нинг Н. Антропов, М. Боназаров, Р. Галин, В. Музика сингари бунёдкорлари вақтдан ўзиб ишлашмоқда.

Янги йилнинг биринчи иш кунини зўр ғайрат билан бошлаган бригада аъзолари

Бугун

шаҳримизнинг Содиқов — Ярославская кўчалари мўлолишида бунёд этилаётган кўп қаватли бино қурилишидаги ишларни ниҳоясига етказишди.

Тўқувчилар учун

Тошкент тўқимачилик комбинатида меҳнат қилаётган ёшларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юрларида таълим олади. Ёшларнинг ишлаш ва ўқиш, яшаш учун қулай шароит яратишга катта аҳамият берилмоқда.

Комбинат ётоқхоналари ремонтдан чиқарилиб, ишга туширилган эди. Уларнинг қаторига яна бир замонавий ётоқхона биноси қўшилди. Фрунзе районидagi Ивановлик тўқимачилар массивида қад кўтарган тўққиз қаватли бино жамолини кўз-кўз қила бошлади.

Унинг лойиҳаси «Ташгипрогор» институтида тайёрланган. Ётоқхона шу жиҳати билан диққатга са

зоворки, унинг ҳар бир қаватида ошхоналар, кийим дазмоллаш хоналари бор, ванналар, лифт ва бошқа қатор қулайликлар яратилган. Ётоқхона қурилишини «Главташкентстрой» 12-қурилиш трестига қарашли 50-қурилиш бошқармаси азаматлари амалга оширмоқдалар. Шу кунларда қурувчилар бионинг 7-қаватида монтаж ишларини ниҳоясига етказишди.

Қурувчиларга ғамхўрлик

Ф. Галиевни «Ўзсантахгазмонтаж» трестига қарашли Назарбек механизациялашган кўчма колоннасида кўпчилик яхши таниди, ҳурмат қилади. Унинг ана шу бошқармада меҳнат қила бошлаганига йигирма йилдан ошди. У меҳнат фаолиятини шу ерда қувур ётқизувчиликдан бошлаган эди. Ҳозир комплекслашган бригадада бошчилик қилапти. Бригада аъзолари шахримиздаги қатор объектлар қурилишида иштирок этишмоқда. «Малика», Тошкент мотор, агрегат заводларининг янги корпуслари шулар жумласидандир.

Бригада коллективи водопровод ва канализация тармоқларини ўтказиш ишларини график бўйича яхши адо этади.

Коллектив агрегат заводида сув қувурлари тармоғини мuddатидан олдин ниҳоясига етказди. 63 миң сўмлик санитария-техника ишлари бажарилди.

Ф. Галиев бошлиқ бригадада социалистик мусобақа якунлари бўйича бир неча

марта ғолиблар сафидан ўрин олди.

Бригада йиғилишида бу йил қилинадиган ишлар муҳокама қилинди. Муҳокамада инсон омилига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Бригадада ўзаро ёрдам совети тузилди. Советнинг вазифаси давлат планидан ташқари инсон омили билан боғлиқ бўлган вазифаларни бажариш билан шуғулланади.

Мусобақа ғолиби

«СССР 50 йиллиги номи Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба ишлаб чиқариш цехида ўтган йили социалистик мусобақа якунига кўра электр пайвандчи Ғ. Латипов мусобақа ғолиби деб топилди.

Ғайбулло Латипов юқори раъзидаги электр пайвандчи ҳисобланади. Унга энг мураккаб, нодир пайвандлаш ишлари топширилади. У барча топшириқни ҳамisha вақтида сифатли бажаради.

Илгор ишчи ҳозирги кунда шу йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. У меҳрибон мураббий ҳамдир. 19 шоғирд тарбиялади.

Д. ОБЛАЕВ.

Ёш томошабинларга совға

Ўқувчиларнинг қишқи каникули кунларида Муқимий номидаги ўзбек Давлат музыкали театри коллективи «Музаффар — кўёш фарзанди» номи янги спектаклини намойиш қилди. Ёш режиссер Аловитдин Муҳитдинов ва драма

тург Неймат Рўзимухамедовнинг бу пьесаси ўқувчилар томонидан қизгин кутуб олинди. Спектаклдаги жозибали кўшиқ ва рақсларни бастакор Тўлқин Тошматов ва театр бош балетмейстери Шокир Аҳмедов яратдилар.

М. НАЗАРОВ.

Тошкент—жаҳонга

Экспортга юборилади

Ўзбек музыка чолғу асбоблари: рубоб, доира ва дуторларнинг катта туркуми Японияга юборилади. Бу чолғу асбобларини Республика маҳаллий саноат министригининг халқ усталари

Япония савдо фирмаларининг буюртмасига биноан тайёрлаб бердилар. Америка фирмалари эса Ўзбекистонга тўн тайёрлаб бериш тўғрисида буюртма бермоқда. (ЎЗТАТ).

ЗАМОНДОШИМИЗ



ОДАМЛАР ҚУВОНЧИНИ ЎЙЛАБ

У эрталаб ишга кетаётганди. Автобус ойнасидан кўзи таниш иморатга тушиб, қалби ажиб ҳисларга чулғанди. Яқиндагина бу ерлар кўримсиз эди. Пала-партиш қурилган эски уйлар киши кўнглига ғашлик соларди. Бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди-ю, атроф биноидек ўзгариб қолди. Замонавий, янги турар жой бинолари ҳаммаёққа ўзига хос кўрк бағишлади.

Ҳозир кўзи тушган янги уй ҳам ана шу кўтлуг ишларнинг самараси эди. Уни тиклашда қизнинг ўзи ҳам шахсан иштирок этган. Четдан ўз меҳнати маҳсулини кўришнинг ғашти ўзгача бўларкан. Унинг назаридан янги уй янада «очилиб» кетганди. Деразалардаги оқ ҳарир пардалар бахтиёр оналар толедан ҳикоя қиларди.

У шунги ўйлади-ю, мамлакат уй-жой программасининг нақадар ҳаётлигини ҳис этди. Бу вазифа Нина каби қурувчилар зиммасига катта масъулият юкларди. Бу долзарб ишни амалга ошириш учун эса чинакамга ишлаш, сифат ўзгаришларига эришиш зарур. Аммо бу борадаги ишлар ҳали бир тартибга келтирилганича йўл. Оз бўлсада шовша-шошарликка йўл қўйилмоқда, натижада қурувчилар таъинига эса эътирозлар билдирилмапти.

Бунинг асосий сабаби, аввало, қурилиш материаллари таъминотининг яхшиланиб кетганидир. У меҳнат қилаётган ҳажм-блокни экспериментал ўйсовлик комбинати ҳам шундай нуқсонлардан яқин йилларгача мустасно эмасди. Аммо ўйсовлар ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йилида яхши ишладилар. Улар томонидан ишга туширилган тўққиз қаватли олтигина шинам уйда 432 оила ҳовли ўйларини ўтказди. Ана шу бахтиёр хонадон соҳибларига улашилган чинакам қувончда пайвандловчи Нина Жарованинг ҳам муносиб улуши бор.

У ҳозир ана шу бахтдан масрур. Чунки ёнги қалби ҳамisha эл таъини билан яшагача, одамлар қувончига қувонч қўшишга даябат этиб туради. Пайвандловчи ўз хаёллари билан бўлиб таниш бекалга этиб кетганини ҳам сезмай қолди. Автобусдан тушиб, дастлабки қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган объект сари йўл олди. Унинг қадамлари тетик эди...

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТДА: Нина Жарова.

Т. Каримов фотоси.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

«ТОШКЕНТ-САНЪАТ ШАҲРИ»

Бир неча кундан бери шаҳримизнинг ҳаёти билан танишгаётган Америка Қўшма Штатларидаги Сизтлнинг камер музыкаси намояндалари сафари мароқли ўтмоқда. Меҳмонлар ҳамкасблари билан учрашибгина қолмай, пойтахтимиздаги санъат ва маданият масканларига марҳамат қилиб, спектакллар томоша қилишмоқда, оддий кишилар билан суҳбатлашмоқда.

Кеча Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчилари ва студентлари сизтллик меҳмонларни самимий кутиб олдилар. Санъат ўқув даргоҳида Сизтл ва Тошкент чолғувчилари ижросида жаҳон композиторларининг асарлари янгради.

Бугун

эрталаб сизтллик меҳмонлар Тошкент бадий буюмлар фабрикасининг коллективи меҳмони бўлишди.

Улар миллий буюмлар тайёрланаётган цехларини заъф билан кўздан кечиришди. Шундан кейин Ўзбекистон театр арбоблари союзида пойтахт санъат вакиллари билан бўлган учрашув дўстлик кечасига айланди. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи биноси меҳмонларга ўзига хос қизиқиш уйғотди.

Муҳбиримиз Сизтл камер музыкаси намояндаларининг концертлари ҳақида мақолалар ёзиш учун Тошкентга келган журналистлар билан суҳбатлашди.

Прицилла ТЭРНЕР, графдан авиациясининг журналисти:

— Шаҳрингиз ҳавоси менга жуда ҳам ёнди. Кутилмаганда қор ёғса, эрта-сиза кўёш чарақлар экан. Одамларнинг чехрасида мамнулик аломатини яққол сездим. Улар бугунги кўнглини ҳаётдан мамнун эканлар.

Менинг бу ерга келишимдан мақсад сизтлликларнинг Тошкентга қилган сафарлари, икки шаҳар ўртасидаги биродарлик алоқаларининг ривожланиши, умуман сизтлнинг мамлакатингизда бораётган қайта қуриш ва жадаллаштириш ишлари ҳақида йўл хотиротларини ёзишдир.

Мэлинда БАРГРИН, «Сизтл таймс» газетасининг санъат бўлими журналисти.

— Мен хизмат қиладиган газета кундузи соат 14 дан бошлаб кечгача тарқала бошлади. Олдин иш кунлари 10—12 саҳифада 300 миң, яқинда ва байрам кунлари, да эса 20 саҳифадан иборат бўлиб 500 миң нускада чоп этилади. «Сизтл таймс» газетаси Тошкент шаҳри билан ўрнатилган биродарлик алоқаларини мунтазам ёритиб бормоқда. Шаҳрингиз ҳаётига доир суратлар ҳам газета саҳифасидан ўрин олган. Ҳар сафар тошкентликлар Сизтлга боришганида уларнинг сафарини кенг ёритишга ҳаракат қиламиз.

Ўтган ойда Вашингтонда бизнинг мамлакатимиз президенти Р. Рейган ва сизтлнинг мамлакатингиз раҳбари М. С. Горбачев тарихий Шартномани имзоладилар. Бу тарихий учрашувни газетамиз кенг қўламада рағбат билан суратлар билан ёритди. Ўша куннинг ўзида ва эртасига кўлаб олдий америкаликларнинг қалб сузлари саҳифалардан ўрин олди.

Мен Тошкентда Алишер Навоий номидаги академик катта театрида «Гўзал Вазир» балетини кўриб яхши таассурот олдим. Ажойиб театр, маҳоратли ижрочилар билан фахрлансангиз арзийди.

Суҳбатни А. ПУЛАТОВ ёзиб олди.

СУРАТДА: сизтллик меҳмонлар.

Р. Шарипов фотоси.

СССР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ХУСУСИДА СИЭТЛ МЭРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Сан-Франциско.

Ўтган халқаро вазилад, Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатларда иккинчи силишлар содир бўлди. 1987 йил иккала мамлакат ўртасида амалий мулоқот ва ишончини янада ривожлантиришга умид бахш этди. Совет Ўзбекистони пойтахти-Тошкент билан биродарлашган Америкадаги Сизтл шаҳри мэри Чарльз Ройернинг фикри ана шундай. ТАСС мухбири билан телефон орқали бўлган суҳбатда у СССР билан АҚШ раҳбарлари ўртасида олий даражадаги учрашувни ҳамда ўртача ва камроқ олинди ядровий ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланишини 1987 йилнинг энг катта воқеаси деб атади.

«Қўшма Штатларда Президент Рейган ва Бош секретарь М. С. Горбачев ўртасидаги учрашув самаралари яққол сезилиб турибди, деди Ч. Ройер. — Маскув учрашув америкаликларга кучли таъсир этди, уларнинг Совет Иттифоқи тўғрисидаги тасавури анча яхшиланди. Эндиликда ҳар бир одам қайта қуришни, ошқораликни, мамлакатингизда содир бўлаётган муҳим жараёнларни билади. АҚШ дагилар мамлакатларимиз ўртасида катта рафзулар борлигини, кўпгина проблемаларга биз турлича ёндо

шаётганимизни кўриб билиб турибдилар, албатта. Вашингтондаги учрашув самаралари Совет — Америка муносабатларида қай тариха акс этишини ҳозир айтиш қийин. Аммо АҚШ сенатига ҳозир қаттиқ таъйин ўтказилаётганини ўзи ҳам эътиборга лойиқдир: мамлакат жамоатчилиги сенатдан ўртача ва камроқ олинди ракеталари тўғрисидаги шартномани ратификация қилишни талаб этмоқда. Биз жамоатчилик ана шу шартномани иккала мамлакат ядровий аслаҳаларини тугатишга қаратилган биринчи реал қадам деб билимқда. Бу қадам ортидан яна кейингилари ҳам қўйилди, деган умид юзгача келди. Бош секретарь М. С. Горбачевнинг АҚШга визитидан кейин ана шу умид пайдо бўлди».

Сизтл мэри халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлашда биродарлашган шаҳарлар ҳаракатининг муҳим роль ўйнашини таъкидлади. «Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга тааллуқли бир фактнинг эъланиб ўтмоқчи эдим. Сизтл СССРда биродарлашган шаҳри пайдо бўлган Америкадаги биринчи шаҳардир, — деб таъкидлади Ч. Ройер. — Бугун, Америкада Совет Иттифоқида янгида қизиб кетган кўнглини яхшироқ билишга, бизни ажратиб турган проблемаларнинг моҳиятини тереңроқ тушуни олишга интилиш ортиб бораётган ҳозирги вақтда биз ҳамisha бу ҳусусда олдинда борган эдик, деб айта оламиз. Бизнинг Тошкент билан анча илгари ўрнатган дўстона алоқаларимиз иккала мамлакат ўртасида «гражданлик дипломатияси» даражасида эзу муносабатлар, ўзаро ишонч негизларига пойдевор қўйилишига аjoyиб намунаси».

«Биз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Мирсаидов билан мунтазам хат ёзишиб тураемиз, — деди пировардида Ч. Ройер. — Иккала шаҳарнинг анчагина муштарак манфаатлари бор. Биз биргалликда ишлаб чиқилган ҳамкорлик ва алоқа программасини ғайрат билан амалга оширмоқдамиз. Бизнинг алоқаларимиз СССРдаги шаҳарлар билан актив алоқа ўрнатишга интилаётган Америкадаги бошқа шаҳарлар учун ўзига яраша намуна ҳам бўлди. Тошкент аҳлига янги йил кўтуловлари йўллар эканман, уларга тинчлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилар эканман, ҳамкорлик учун, муштарак катта иш — иккала мамлакатимизни халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси учун тошкентликларга катта раҳмат айтгим келади».

Владислав ОРЛОВ.



Сўнгги соатда

◆ ЛИСАБОН. Португалияликлар янги, 1988 йилнинг кичик келишини ижтимоий ҳаракатларнинг кудратли тўлиқи билан кутиб олдилар.

Ҳарбий техника ишлаб чиқарувчи давлат корхоналарининг икки йилдан зиёд ишчилари узок давом этган туркум за-бастовкаларини ғалаба билан ниҳоясига етказдилар. Янги йил арафасида ишлаб чиқариш хоналарини эгаллаб, бир неча соат давомида мамуриятнинг қорхонадан чиқиб кетишига йўл қўймаган меҳнатқилларнинг қатъий ҳаракатлари мудоффа аминистрининг забастовкачиларнинг талабларини қондирди ва сўнгги ойлarda қорхона қарздор бўлиб қолган қарийб ўн миллион эскудо ишчиларга тўлаш ҳақида буйруқ беришга мажбур қилди.

◆ ВАШИНГТОН. 2 июнга планлаштирилган кўп марта фойдаланиладиган «Дисквер» космик кесакнинг учурилиши 6—10 ҳафтага ке-чигирилди. Бу ҳақда душанба кунини Аэрономия ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси эълон қилди. «Дисквер» таҳминларга кўра август ойининг ўрталарида учурилади.

Парвозининг кеңиктирилишига ўтган йилнинг декабри ойида каттик қилқилинган «Дисквер» космик кесакнинг учурилиши 6—10 ҳафтага ке-чигирилди. Бу ҳақда душанба кунини Аэрономия ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси эълон қилди. «Дисквер» таҳминларга кўра август ойининг ўрталарида учурилади.

◆ ДЕХЛИ. Ҳиндистон сиёсий доираларида 4 январь кунини бошланган АҚШ давлат секретарининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари М. Армистонинг Покистонга уч кунлик визитини диққат билан кузатиб турибдилар.

Юқори мартабали Америка вакилининг сафарига қизиқишнинг боиси шундаки, унинг Покистон раҳбарлари, шу жумладан мамлакат президенти Зейл Ҳақ билан муносабала-рининг асосий мавзун Афғонистон билан боғлиқдир.

◆ ЛОНДОН. Уч киши ҳалок бўлди, камда ўн миң аҳоли электрсиз қолди — Буюк Британиянинг жанубий ва жанубий-ғарбий районлари бўйлаб ўтган кучли довуллар оқибати ана шундай.

◆ БРНО. Чехословакиянинг ана шу шаҳридаги Моравия музейи архивидан яқинда италиялик композитор ва Моцертнинг рақибни Антонио Сальерининг ўрта ноёб қўлэмалари топилиб, деб ҳабар берди жаҳон ахборот агентлик-лари.

БЕЛОРУССИЯ ССР. Могилев
областининг Киров районидagi
К. Т. Орловский номидаги
«Рассвет» колхозда картош-
кани соғломлаштириш ва ви-
руссиз асосда мадд кўпайти-
риш лабораторияси ташкил
этилган. Лаборатория учун бир-
ламчи материал Белоруссия
картошкачилик ва меза-субза-
вотчилик илмий-тадқиқот ин-
ститутидан олинад. Улардан
пробиркаларда кўчатлар етиш-
тирилади, сўнгра эса теплица-
га кўчириб ўтказилади. Ана
шу ердан уруғлик картошка
йиғиштириб олинади.

СУРАТДА: лабораториянинг
ўсимликлар залида. Лаборант
Светлана Молчанова ўсимлик-
лар ривожини кузатибди.

ТАСС фототехникаси.

Бувижон, ўқиб беринг

Спорт

С а б о қ

Футбол

мухлислари клуби

Юлдуз мактабдан чиқиб,
укасини бочадан уйга олиб
келди. Қараса, ойиси ҳали
ишдан қайтмаган экан.

— Нодир, кел, — деди
Юлдуз, — ойим келишларини
кутмай, иккаламиз ов-
қат қилиб турамыз, бўпими?

— Хўп бўлади, — деди
Нодир қўлларини ишчаб.

Юлдуз ошхонадан картош-
ка олиб чиқиб, арта бошлади.

— Мен-чи, Юлдуз опа,
сизга пақирчамда сув олиб
келаёликми? — деб сўради
Нодир.

риб. — Мен ишда бир оз
ушлианиб қолдим... Хавотир
олмадингларми?

— Ойижон, яхши келдин-
гизми? — Нодир юзориб
бориб ойисининг кучоғига
отилди. Ойиси уни бағрига
босиб, юзларидан ўпди.

— Мен кийимларимни
алмаштириб чиқай, овқат
ҳам кеч пиядагидан бўлди,
— деди ойиси шовиляб.

Опа-ука бир-бирлари би-
лан кўз уриштириб олишди.
Ойиси ўз хонасига кириб,
халатини кийиб чиқаркан,
ошхонага кириб, қозон қоп-
қоғини очди-ю, суюниб кетди.

— Вой, ўзим ўргилай сиз-
лардан, менсиз овқатни ҳам
пишириб қўйдингларми? —
хурсанд бўлди ойиси.

— Ойижон, сиз ўтиринг,
биз овқатни сузамиз, — деди
Нодир.

— Ҳозир, мен Ҳозир чи-
қаман, — ойиси шундай деб
кўлди-да, ётоқхонага кириб
кетди.

Опа-ука столга нонларни
қўйиб, қўшиқ-пёёлаларни
тайёрлаб, ойисининг келиш
ўтиришини кута бошлади.
Ойиси ётоқхонада нималар
биландир овора эди.

— Ойижон, қаердасиз,
келинг, кела қолинг! —
айлиниб қақира бошлади Но-
дир.

— Ҳозир, Ҳозир борама,
— овози ошитиди ичкари-
дан ойисининг.

— Менинг қорним жудаёам
очиб кетди. Кела қолинг... —
яна айланди Нодир. Аммо
ойиси ҳадеганда чиқа қол-
мади.

— Қалай, кутиш яхши
эканми? — деди Юлдуз укаси-
га жимлайиб. — Сен ҳар кун
ойимларни овқат маҳали
шунчадан куттирасан-а...

Нодир айбдордек қўзлари-
ни пирпиратди. У шундагина
ойиси бечора ҳар кун о-
қатга чақирганида дарров
келиб ўтирмай, «яна бир
қўшиқ еяқол» деса, емай,
қанчалар қийнаганини ўйла-
ди.

Ойиси эса ҳеч нарсани
сезмагандек, кийим
иладиган шқафнинг олдида
қандайдир юмуш билан маш-
ғул эди.

— Ойижон, — деди Но-
дир, — Мени кечиринг.
Энди сираям сизни куттир-
майман. Чақирганингизда,
дарров бориб ўтираман.
Мана қўрасиз. Ҳозир, юринг,
овқатланайлик!

Ойиси Нодирнинг гапидан
кулиб юборди ва ошхонага
чиқиб, дастурхонга келиб
ўтирди. Юлдуз овқатни су-
зиб, столга келтириб қўйди.

Ойиси болаларига қараб,
қайсарлик билан ҳўрсинди:
«Егим келмаяпти», — деб
кулимсиратди. Учовлари ҳам
бараварига кулиб юборишди.
Чуқки ойисининг бу гаплари-
ни учовлари ҳам тушу-
нишган эди-да!

Еқут РАХИМОВА.



«ОШПАЗЛА».

Р. Шарипов фототюди.

Тошкент Давлат циркида

10 январгача соат 14.30, 17.00, 19.30 да;
11, 12 январь кунлари соат 17.00 ва 19.30 да

МОСКВАНИНГ МАНЕЖДАГИ ЦИРК
АРТИСТЛАРИ

ЦИРКДА АРЧА

ЭРТАК-ТОМОШАСНИ НАМОЙИШ
ЭТАДИЛАР

ТОМОШАНИНГ БОШ ҚАҲРАМОНЛАРИ — ҚОРВО-
БО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚАЛАР.

Томошабинлар ҳайвон ўргатувчи — РСФСРда хизмат
кўрсатган артист Ольга БОРИСОВАНИНГ

«УРГАТИЛГАН ШЕРЛАР»

АТТРАКЦИОННИНГ ҲАМДА
Ю. Ся-ю-шан раҳбарлигидан

«ХИТОЙ УЙИНАРИ»НИ

ҳам томоша қиладилар.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

СССР ХАЛҚЛАРИ ДўСТЛИГИ САРОНИДА

15, 16, 17 январь соат 19.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ Нуриддин
ҲАМРОҚУЛОВ ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар:

Дадахон ҒАНИЕВ, Зулхумор ҚОДИРОВА.
Программани — Машраб НАЗАРОВ олиб боради.
Касса соат 14.00 дан ишлайди.

ҲУРМАТЛИ ШАҲАР РАДИО УЗЕЛИНИНГ АБОНЕНТЛАРИ!

Кўп программали радиоприёмник квартирада
бир қатор қулайликлар яратди. Ана шу приёмник
ёрдамида Сиз соат неча бўлганини билишингиз,
музыка тинглашингиз, пойтахтимиз ва республика-
миз ҳаётига доир сўнгги воқеалардан хабардор бў-
лишингиз мумкин.

Радиоприёмникларни ихтисослашган радио ма-
газинларидан ва маданий моллар магазинларидан
харид қилиш мумкин.

Шу билан бирга радио ҳақини ўз вақтида тўлаб
туриш лозимлигини эслатамиз.

Абонент ҳақи пул тўланаётган ойнинг ўнинчи
кунидан кечиктирмай 50 тийин миқдоридан почта
бўлимчаларига тўланиши, хусусий уйларида яшов-
чилар шаҳар радио узелининг абонентлар бўлими-
га, давлат уйларида яшаётган абонентлар эса ра-
дио ҳақини коммунал хизмати нархига қўшиб тў-
лашлари лозим.

Справкалар учун телефонлар: радио узелининг
телефони — 32-26-32; носозликларни тузатиш бю-
роси — 33-17-10, 33-42-28.

ШАҲАР РАДИО УЗЕЛИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

Х. С. Сулаймонова но-
мидаги Тошкент суз экспер-
тизаси илмий-тадқиқот ин-
ститутига

Ўзбек тилида эксперт-
бухгалтер сифатида ишлаш
учун бухгалтерия ҳисоб-
китоби билан таниш мута-
хассисини

ИШГА
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Справклар юзасидан қу-
йдаги адресга мурожаат
қилинсин: Тошкент шаҳри,
Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-
подъезд, 5-хона.

Уй-жой ва жамоат би-
ноларини типовой ва экс-
периментал лойиҳалаш
зонал илмий-тадқиқот ва
лоийҳа институтининг
(ТашЗНИИЭП)

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БАЗАСИ


— буюртмачи матери-
алидан экспериментал ва
айрим хусусий темир-бе-
тон конструкциялар ҳам-
да элементларни тайёр-
лаш;

— қурилиш констрек-
циялари ва материалла-
рининг турли таъсирла-
бардошлилигини си-
наш ишларини

АМАЛГА ОШИРАДИ.
Ушбу адресга мурожа-
ат қилинг: Тошкент шаҳ-
ри, Ниёзов кўчаси, 17-уй
(10, 88-автобуслар; 14-
маршрут таксининг
«Нукус» кинотеатри» бе-
кати). Телефон 46-07-61.

Собир Раҳимов районидagi
Куйбишев номли 1-ўрта мак-
таб томонидан Раҳмонберди-
ев Хусан Патхиллаевини номи-
га берилган 083785 номерли
йўқолган

8-СИНОНИ
ТУГАТГАНЛИГИ
ТУРГИСИДАГИ
ГУВОННОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


ЁҚҚАНИНИ ТАНЛАБ ОЛИНГ

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА БИЗ ҲАМ АСТАР-
СИЗ, ҲАМ АСТАРЛИ ИССИҚ ПАЛЬТОЛАРНИ
ТАВСИЯ ЭТАМИЗ.

НЕҒАКИ ТОШКЕНТНИНГ ҚИШИ ЎЗИГА ХОС
БЎЛИБ, АЁЗЛИ-ИЗФИРИНЛИ КҮНЛАР БАҲОР-
ДАГИДЕК ИЛИҚ КҮНЛАР БИЛАН АЛМАШИ-
НИБ ТУРАДИ.

Кундуз ёқали турли фасон ва ранглардаги хуш-
бичим астарли ва астарсиз пальтоларни «Таштекс-
тильштейн»нинг қуйидаги магазинларидан ха-
рид қилишингиз мумкин:

1-магазин — Ш. Руставели кўчаси, 13-уй;
28-магазин — Госпиталь бозори;
34-магазин — Муқимий кўчаси;
43-магазин — Марказ-5 квартал, Ленин кўчаси,
67-уй;
54-магазин — Луначарский шоссеси маркази.



«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОР».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ
БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА
АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДЕЗИНФЕКЦИЯ СТАНЦИЯСИНING

ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ПРОФИЛАКТИК
ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ РАЙОН БЎЛИМЛАРИ

1988 йил учун

ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ҚОРХОНАЛАР, ТАШ-
КИЛОТЛАР, ХОНАДОНЛАРДАН ДЕЗИНФЕКЦИЯ, ДЕ-
ЗИНСЕКЦИЯ, ДЕРАТИЗАЦИЯ ЎТКАЗИШ (уй хашарот-
лари, пашша, сувараклар ва сичқон-каламўшларни йўқо-
тиш) ЮЗАСИДАН

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

ШУНИНГДЕК, ШАХРИМИЗ АҲОЛИСИДАН ҲАР
КУНИ СОАТ 8 дан 20.00 ГАЧА, ШАНБА ВА ЯҚШАН-
БА КҮНЛАРИ СОАТ 9 дан 18.00 ГАЧА, ПАШША,
СУВАРАКЛАР ВА СИЧҚОНЛАР, КАЛАМУШЛАРНИ
ЙЎҚОТИШ ЮЗАСИДАН ПРЕЙСКУРАНТ АСОСИДА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

РАЙОН ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ПРОФИЛАКТИК
ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ БЎЛИМЛАРИНИНГ
АДРЕСЛАРИ:

Киров район бўлими — Папанин кўчаси, 19-уй (72а,
60а, 156, 165, 19, 51, 24-автобуслар; 25, 23, 28, 3, 22,
2, 16-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати). Телефон
33-11-56.

Куйбишев район бўлими — Доғистон кўчаси, 53-уй (1,
101а, 17, 24, 63, 83-автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 17,
18-троллейбусларнинг «М. Горький номи майдон» бекати).
Телефон 67-22-69.

Ленин район бўлими — Помир кўчаси, 13-уй (25, 61,
66-автобусларнинг «КОР клуби» ёки «Авиасозлар шаҳар-
часи» бекати; 2, 10-трамвайларнинг «КОР клуби» бекат-
лари). Телефон 91-13-64.

Ҳамза район бўлими — Октябрь 10 йиллиги кўчаси,
34-уй (5, 22-автобусларнинг «Шумилов шаҳарчаси» бе-
кати). Телефон 91-53-48.

Чилонзор район бўлими — Аллея тупиғи, 56-уй (11а,
51, 7а, 181-автобуслар, 2, 7, 13-троллейбусларнинг «Ком-
сомол кўли» бекати ёки «Ғ. Ғулом номи майдон» бекати).
Телефонлар: 45-37-41, 45-37-55.

Акмал Икромов район бўлими — 22 квартал, «Мосгоро-
дон» шаҳарчаси (41, 13, 2, 87, 75-автобуслар; 13-троллей-
буснинг «Мосгородон» шаҳарчаси» бекати). Телефон
74-19-96.

Октябрь район бўлими — Қоратош кўчаси, Киев про-
езди, 1-уй (28а, 64а, 31а, 53а, 46, 35-автобуслар, 7, 8,
16, 15-трамвайлар, 8, 18-троллейбусларнинг «Халфа май-
дон» бекати). Телефонлар: 44-30-35, 44-27-94, 44-34-66.

Собир Раҳимов район бўлими — Усмон Юсуфов кўча-
си, 103-уй (48, 44, 18, 97-автобуслар, 23, 27, 10-трам-
вайлар, 10-троллейбусларнинг «Лабзан» бекати). Телефо-
нлар: 41-19-35, 41-80-84.

Сергели район бўлими — Мардлик кўчаси, 56-уй (58а,
автобуснинг «13-шаҳар касалхонаси» ёки 19-троллейбус-
нинг «Техникум» бекати). Телефон 58-52-44.

Фрунзе район бўлими — Чкалов кўчаси, 44-уй (57а,
58-автобуслар, 4, 10, 11, 14, 24-трамвайлар, 3, 13-трол-
лейбусларнинг «Россия» меҳмонхонаси» бекати). Телефон
56-31-15.

Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси — Қорасарой
кўчаси, 341-уй (56, 82, 42, 43а, 93-автобуслар; 7, 10-
троллейбуслар; 10, 27-трамвайларнинг «Шаҳар санэпид-
станцияси» бекати). Телефон 48-11-30.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

17 «э» маршрутидаги ав-
тобусларнинг ҳаракат
трассаси қисқартирил-
ди. Автобуслар мазкур
маршрутда ТТЗ-1 мас-
сивгача эмас, 12-турар
жой шаҳарчасигача қат-
найди.

Ушбу маршрут ҳарака-
ти 12-турар жой шаҳар-
часи — метронинг «Пах-
такор» станцияси орали-
ғида ташкил этилади.

ТТЗ-1 массиви аҳолиси-
га транспорт хизматини
яхшилаш мақсадида 24-
маршрутдаги автобус-
ларнинг сони 17 тагача
етказилди.

Барча турдаги шаҳар
пассажир транспорти иш-
ни мувофиқлаштириш ва
ривожлантириш бошқар-
маси.

ҚОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1988 йил январдан

«Гордорстройремонт»
трестининг асфальт-бе-
тон ва йўл-қурилиш ма-
териаллари заводи ҳамда

ишлаб чиқариш-техноло-
гик комплектация бош-
қармаси бирлаштири-
либ, «Гордорстройре-
монт» трестининг ягона
ишлаб чиқариш-техноло-
гик комплектация бош-
қармаси ташкил этила-
ди.

Даъволар 28 январга-
ча қуйидаги адресда қа-
бул қилинади: 700015,
Тошкент шаҳри, Кафанов
кўчаси, 57-уй.

Театр

НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КА КАТТА
ТЕАТРИДА — 6/1 да Фл. Флорина
Тоска (19.00), 7/1 да АлоАло-
диннинг сехри чироғи (12 (12.00),
Спартак (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДР. ДРАМА
ТЕАТРИДА — 6/1 да Ҳазрат
аёл (19.00), 7/1 да Кўв (15 (19.00).
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗ-
БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИЛИ ТЕ-
АТРИДА — 6/1 да Ёшлиқда
берган кўнгли, 7/1 да Хи Ҳийлан
шаръи.

Кино

6 ЯНВАРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: ПАР:
Восток — «КАПУЦИНЦИНЛАР
ХИБОНИДАГИ КИШИ» (16 (18, 20,
21.30).

Дружба — «КАПУЦИНЦИНЛАР
ХИБОНИДАГИ КИШИ» (8 (жуфт
ва тоқ соатларда).

Искра — «КРЕЙЦЕР СЕ СОНА-
ТАСИ» (17.15, 20.00).

Санъат саройи — «АРТАРИСТ»
(катта зал, 17, 20.00; кичик зал,
18, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «КАПУЦИНЛАР АР ХИБ-
ОНИДАГИ КИШИ» (19.30,
21.00).

Қозғоғистон — «ҲАММАМА ҚА-
МОҚКА ОЛИНСИН» (17 (17, 18,
20.00).

Ҳамза номли — «ҚОРА РА КҮЗ-
ОЙНАК» (жуфт соатларда).

Москва — «КАПУЦИНЦИНЛАР
ХИБОНИДАГИ КИШИ» (17,
19, 20.40).

Нукус — «КАПУЦИНЛАР АР ХИБ-
ОНИДАГИ КИШИ» (тоқ соат-
ларда).

Мир (метронинг «Ч.К.Чкалов»
станцияси) — «ДОЮРАК АҚ ЧОП-
ҚИР» (17, 19, 20.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚИ-
ЗИЛ ЗОНА» (жуфт соатларда).

7 ЯНВАРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАРЛАР:
ВОСТОК — «Капуцинцлар
хйбонидagi киши» (10.30.30, 12,
14, 16, 18, 20, 21.30).

Дружба — «Капуцинцлар
хйбонидagi киши» (жуфт ва тоқ
соатларда).

ИСКРА — «Крейцер се соната-
си» (12, 14.30, 17.15, 20.00.00).

САНЪАТ САРОЙИ — «Ар-
тиста» (катта зал, 11, 14, 14, 17,
20.00; кичик зал, 12, 15, 15, 18.20,
20.45).

ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50
ЙИЛЛИГИ — «Қора кўз-қўзоянка»
(жуфт соатларда ва 19.30,
21.00 да).

ҚОЗҒОҒИСТОН — «Ҳаммама на-
моққа олинсин» (11, 12, 12, 15,
17, 18, 20.00).

ҲАМЗА НОМИ — «В.В.В.В.В.В.В.
азоби» (16, 18, 20.00).

МОСКВА — «Капуцинцлар хйб-
онидagi киши» (11, 13, 13, 15,
17, 19, 20.40).

НУКУС — «Капуцинцлар хйб-
онидagi киши» (тоқ соатлар-
да).

ВЛКСМ 30 йиллиги ги — «Қи-
зил зона» (жуфт соатларда).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕ БЕРУВЧИ
ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44. 44-21-34,
44-21-44, 44-21-74;
Чайка — 77-06-20;
Москва — 33-05-01; ;
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — 78-47-25;
Восток — 91-14-61;
Тичилик — 58-34-88.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
— «Циркда арча» томошола-
ри (14.30, 17.00, 19.30) 30).

Ҳурматли тошкентлик-
лар ва пойтахтнинг
меҳмонлари!ри!

Карл Маркс кўчасида 5
ва 6 январда ўтказила-
ти керак бўлган

«РУС ҚИШИ» 1
БАЙРАМИ И
9 ва 10 январгига
КЎЧИРИЛАДИ

Байрам соат 12.02.00 да
бошланади.

Тошкент шаҳар С. Совети
ижроия комитетининг
Умумий оқатланиши бош
бошқармаси.